

ПАХТАКОР, ҲАР КҮН, ҲАР СОАТ ҒАНИМАТ!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ!

ТОШКЕНТ ҲАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

211 (4202). | ЖУМА 24 октябрь, 1969 йил, | Баҳоси 2 тийин.

Мамлакат биздан кўп, шу билан бир қаторда олий навли—аъло сифатли „оқ олтин“ кутмоқда. Пахтани кўз қорачўғидек асрангиз! Шунинг эсда тутингизки, пахтанинг ҳар бир кўсагига кўп меҳнат сарфланган. Нобудгарчиликнинг ҳамма йўлини маҳкам беркитингиз, пахтани тупларда қолдирмангиз, уни транспортга ортаётганда тўкиб-сочмангиз, оёқ ости қилмангиз. Умумхалқ мулки—пахтани нобуд қилиш ва пайҳон қилишга қарши шафқатсиз кураш олиб борингиз.

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Мурожаатидан)

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети бошқарув аппарати таъминлаштириш ва арзонлаштириш чоралари тўғрисидаги масалани қараб чиқдилар. Шу масала юзасидан қабул қилинган қарорда таъкидлаб ўтилдики, бошқаруving тармоқ принципини амалга оширишнинг асосий шарт-шароитлари бўлиб келтирилди.

Корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарлари бошқарув аппарати ишини яхшилаш ва уни арзонлаштириш масалаларига дуруст эътибор бермаётганлар, натижада бу аппарат ҳали ҳам катта ва қimmatлигича қолмоқда. Ҳужаликнинг айрим тармоқларида бошқаруvingнинг кўп погонли системаси сақлаб турилибди ва керакисиз, кўп ҳолларда параллель ишлайдиган ташкилотлар тузилмоқда. Саноат, транспорт, қурилишнинг кўпгина корхоналарида ва ҳужаликнинг бошқа тармоқларида бошқарув структураси бевосита бўлиб кетган, бу эса ишлаб чиқаришга раҳбарлик қилишни қийинлаштиради, кўпгина мутахассисларни асосий ишлаб чиқариш вазифаларини ҳал этишдан чалғитибди ва бошқарувга беҳуда харажат қилинишига олиб келди. Майда корхоналардаги бошқарув аппарати шатлари асоссиз равишда катталаштириб юборилган, кўп ҳолларда уларнинг структураси

айрим корхоналарнинг структурасига ўхшатиб белгиланган. Турли-туман командировкаларга, шунингдек меҳнат буюмлари учун меҳнат, турли буюмлар ва бошқа асбоб-ускуналар сотиб олишга сарфланган маблағларда кўпгина ортқаликларга йўл қўйилмоқда.

Учалик зарурати бўлмаган кенгашлар, конференциялар ва симпозиумлар ўтказишнинг катта маблағлари сарфланганлигини кўрсатувчи кўпгина фактлар ҳали ҳам бор.

Бошқарув аппарати ходимларининг меҳнати ташкил қилишда катта нуқсонлар мавжуд. СССР министрликлари ва идоралари ҳамда иттифокдор республикаларнинг Министрлар Советлари, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг раҳбарлари бошқарув меҳнати ва автоматлаштириш учун, шунингдек, бошқарув аппарати иш услубини таъминлаштириш ва меҳнат

маданиятини ошириш учун лозим бўлган чораларни кўрмаётганлар.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети бошқарув аппарати структурасини таъминлаштириш ҳамда корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар шатларидаги ортқаликларни тугатиш ва шу асосда бошқарув аппарати сақлашга бўладиган харажатларнинг 1970 йилда 1,7 миллиард сўм миқдорига қисқартириш тадбирларини ишлаб чиқиш, амалга оширишни СССР министрликлари билан идоралари ва иттифокдор республикаларнинг Министрлар Советларига топширдилар.

СССР Министрликлари ва идоралари, иттифокдор ва автоном республикаларнинг Министрлар Советлари, меҳнат-кашлар депутатлари советларининг ижроия комитетлари, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг раҳбарлари бошқарув аппаратида бўш қолди-

ган ходимларни ишга жойлаштириш таъминлашлари лозим.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети 1970 йилдан бошлаб СССР министрликлари билан идоралари ва иттифокдор республикаларнинг Министрлар Советлари ўз қарамогидagi корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар учун бошқарув аппарати сақлашга қилинадиган харажатларнинг аниқ миқдорини белгилаб қўйишлари лозим, деб топдилар, ҳамда корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг раҳбарлари бошқарув аппарати сақлашга ажратилган маблағларнинг шу мақсад учун уларга белгилаб қўйилган маблағлар миқдорига мувофиқ равишда харажат қилиниши учун шахсан жавобгардирлар, деб огоҳлантирдилар.

СССР министрликлари ва идоралари, иттифокдор республикаларнинг Министрлар Советлари, СССР Молия министрли-

ги ва СССР Халқ контроли Комитети бошқарув аппарати сақлашга маблағларини тежаб-тергаб ва тўғри ишлатиш устида контроллини кучайтиришлари лозим.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг раҳбар — ходимлари ҳамда мутахассисларининг иш вақтидан самарали фойдаланишни таъминлаш, кенгаш ва мажлислар ўтказишнинг ҳамда ходимларни турли институтларга қайтариш чеклаш, шунингдек бошқарув аппаратидаги иш услубини янада такомиллаштириш ва меҳнат маданиятини ошириш чораларини кўришни иттифокдор республикалар Компартияларига, Марказий Комитетларига, ўлка, област, минтақа республикаларнинг Министрлар Советларига, министрликларга, идораларга, корхона ва ташкилотларга топширдилар.

КРЕМЛДА ҚАБУЛ МАРОСИМИ

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукумати учувчилар бошқарадиган «Союз-6», «Союз-7» ва «Союз-8» космик кемаларининг гуруҳа бўлиб ўқини таъминлаган ва ўқини муваффақиятли амалга оширган олимлар, конструкторлар, инженерлар, техниклар ва ишчиларнинг мислисиз жасорати шарафига ва космонавтлар Г. С. Шонин, В. Н. Кубасов, А. В. Филиппенко, В. Н. Волков, В. В. Горбатко, В. А. Шаталов, А. С. Елисеев ўртоқлар шарафига 22 октябрда Кремлдаги Снедлар саройида қабул маросими ўтказилди.

Қабул маросими иштирокчилари Коммунистик партия ва Совет давлати раҳбарларини, «Союз-6», «Союз-7» ва «Союз-8» космонавтир экипажларини қизини, гулдўрс қараклар билан қутиб олдилар.

СССР Министрлар Советининг раиси А. Н. Косигин қабул маросими иштирокчиларига мурожаат қилиб пўтқ сузлад.

Қабул маросими қизини, самимий вазиятда ўтди. (ТАСС).

ПАХТА УЧУН КУРАШГА!

Пахта учун курашнинг энг масъулияти, ҳал қилувчи, жангу-жадал даври бошланди. Қолхоз ва совхоз далаларида кечало-кундуз кураш бормоқда. Пахтакор, меҳнаткор, ҳар бир қолхозчи ва ишчи мардик, қарорат ва матонат кўрсатиб, «оқ олтин» дурдоналарини тезроқ териб олиш, план ва мажбуриятларни шараф билан бажариш учун барча тadbирларни амалга оширмоқдалар. Оқдўрмонлик ва янгиёшлик пахтакорлар билан йиллик планларини етмишга яқинлаштириб қўйдилар. Бир неча қолхоз, эвено ва бригадалар ва Бекободдаги «Ленинград» совхоз пахтакорлари йиллик планларини бажарганликларига ҳақида галаба рапорти бердилар.

Пахтакорларнинг республика партия ва ҳукуматиинг Мурожаати ва КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 52 йиллигини муносабати билан чиқарган Чапиринга амалий иш билан жавоб бериш, яъни пахта йилги-теримини ташлаш, мулккаланган маррага тезроқ етиш учун ғайратга-ғайрат кўшиб ишламоқдалар. Ғалаба рапорти берган ҳужаликлар билан ташқари 300—400 тонна пахта топириш, ҳосилдорлигини ҳар йилдан ҳам ошириш мажбуриятини олдилар.

Бу йилги об-ҳаво шароити пахтакорларимиз олдига катта қийинчиликлар вужудга келтирди. Баҳор ва ёздаги оғир шароитларини мардонавор енгган қишлоқ ҳужалиги меҳнаткашлари кўзда ҳам катта қийинчиликларга дуч келдилар. Кетма-кет ёқин ёмғирлар, ҳавонинг паст келиши пахта тайёрлашдаги ишларини яна мураккаблаштириб қўйди. Мана шундай шароитда барча пахтакорлар, партия, совет, касба-союз ва комсомол ташкилотлари, республикаимизнинг ҳамма меҳнаткашлари олдига катта, муҳим ва масъулиятли вазифалар қўйилди: ҳар қандай шароитда ҳам пахта тайёрлаш суръатини ҳеч сусайтирмай давом эттириш керак! Табиатдан хайр-оҳ-сон қутиб бўлмайди. Чунки қийинчиликлар, ёнғирчилик ва

РЕСПУБЛИКА САБЗАВОТКОРЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

Ўзбекистон қишлоқ ҳужалик меҳнатчилари КПСС XXII съезди қарорларини амалга ошира бо-риб, Б. И. Ленин тутилган кўннинг 100 йиллиги шарафига меҳнат нахтасида туриб ва Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 52 йиллигини муносиб қутиб олдиш учун муносабати, узоқ давом этган наҳратон қиш оқибатларини ва баҳорда об-ҳаво шароити нуку-

лай келганлиги натижасида юз берган жуда катта қийинчиликларни мардонавор енгиб, сабзавот ҳамда полиз экинларидан мўл ҳосил етиштирилди. Давлатта сабзавот сотиш плани муддатидан илгари—20 октябрда 100,8 процент ва полиз экинлари маҳсулотини сотиш плани 120,5 процент бажарилди.

Давлат тайёрлов пунктларига 474 минг тоннадан кўпроқ юқори сифатли сабзавот ва 269 минг тонна полиз экинлари маҳсулотини топширилди.

Умумийтфок фонди бўйича мамлакатнинг саноат марказларида 85 минг тонна сабзавот, 170 минг тонна полиз экинлари маҳсулотини, 13,5 минг тонна хўл мева ва 9,8 минг тонна узум жўнатилиди.

ОБЛАСТИМИЗ САБЗАВОТКОРЛАРИНИНГ УЛКАН ЗАФАРИ

Областимиз сабзавоткорлари В. И. Ленин тутилган кўннинг 100 йиллиги олдидан бошланган социалистик муносабати қизиб, бу йилги об-ҳаво қийинчиликларини муваффақиятли енгиб, сабзавот, полиз экинлари маҳсулотлари ва мева тайёрлаш йиллик давлат планини 22 октябрда муддатидан илгари бажардилар. Давлатта сабзавот сотиш плани 100,20 процент қилиб бажарилди. Тайёрлов пунктларига пландаги 196 минг тонна ўрнига 196,4 минг тонна сабзавот маҳсулотлари етказиб берилди. Шунингдек, сўлталар етказиб берилди. Шу жумладан, пўт тайёрлаш йиллик плани 145,6 процент, позиция тайёрлаш план 106,3, ош далайти тайёрлаш план 102,2 процент, бошқа турдаги сабзавотлар тайёрлаш план 106,3 процент қилиб адо этилди. Полиз маҳсулотлари тайёрлаш

плани 110 процент бажарилди. Давлатта сабзавот сотиш йиллик планини Қалини, Орқоникиде, Бўстоник, Ўрта Чирчиқ, Бўқа, Оққўрғон районларининг сабзавоткорлари муддатидан анча илгари бажаришга эришдилар.

Областимизнинг бу катта ютуғига Қалини районининг сабзавоткорлари аниқса кўп ҳисса қўшдилар. Улар сабзавот етиштиришни қўлайтириб, давлатта 82,5 минг тонна маҳсулот етказиб бердилар. Шунингдек, Орқоникиде районининг қолхозчи ва совхозлари 40,8 минг тонна, Бўстоник районининг сабзавоткорлари эса 32,3 минг тонна сабзавот маҳсулотлари тайёрлаб, катта ғалабани қўлга киритдилар. Областимиз сабзавоткорларининг бу катта зафарига Ўрта Чирчиқ, Бўқа, Оққўр-

гон районининг ҳужаликлари ҳам муносиб ҳисса қўшдилар. Қалини районидagi Орқоникиде номи, «Ўзбекистон 40 йиллиги», Карл Маркс номи, Собир Раҳимов номи, Оқунбобоев номи, «Ленин йўли», Қалини номи, «Москва» қолхозлари, «Партия XXI съезди», «2-Тошкент», «Москва», «Келес» совхозлари, Орқоникиде районидagi «Қизил Ўзбекистон», «Правда», «Октябрь», «Коммунист» қолхозлари, Бўстоник районидagi Фрунзе номи, Жданов номи, «Қозғонистон ССР 30 йиллиги» қолхозлари ҳамда 14 «Ўзбек» совхозини, шунингдек, Ўрта Чирчиқ районидagi «Олмалиқ» совхозини ва бошқа қатор ҳужаликларининг сабзавоткорлари ҳамда полизчилари юқори ҳосил етиштириб, катта ҳисса қўшдилар.

Улар картошча етиштиришда ҳам аъло муваффақиятларга эришдилар.

Давлатта сабзавот ва полиз маҳсулотлари сотиш қизгин давом эттирилмоқда. Шу кунларда ҳамма ҳужаликларда етиштирилган сабзавот маҳсулотларини қисқа муддатларда йиғиштириб олиш учун қизгин кураш олиб бормоқда. Ҳосилни йиғиштириб олиш билан бир вақтда келгуси йилда ҳам мўл ҳосил етиштириш учун кузги қишқи агротехника тadbирларини қизгин давом эттирилмоқда.

Областимизнинг қишлоқ ҳужалик қилмиши пахта ва бошқа қишлоқ ҳужалик маҳсулотлари етиштириш ва давлатта сотиш юзасидан олган юксак мажбуриятларини бажариш йўлида қизгин меҳнат қилмоқдалар.

Пахта тайёрлаш йиллик планини муваффақиятли бажарганликларини учун обод «Журнал тахтаси» га ёзилдилар.

БЕКОВ РАЙОНИ БУНИЧА

«ЛЕНИНГРАД» совхоз (директори М. Ортоқов, партия ташкилотининг секретари Хўжамирзаев, бош агрономи Ширинов ўртоқлар). Бу совхоз пландаги 600 ўрнига 743 тонна пахта топириб йиллик планни 123,83 процент адо этган.

ОҚҚҮРҒОН РАЙОНИ БУНИЧА

«ЗЕРА КОММУНИЗМ» қолхоз (раиси В. А. Хан, партия ташкилотининг секретари К. Персеев, бош агрономи Ан Сеам ўртоқлар). Бу қолхоз 1402 тонна ўрнига 1547 тонна пахта топириб йиллик планни 110,34 процент бажарган.

«ПОВЕДА» қолхоз (раиси Н. И. Пак, партия ташкилотининг секретари Эм Ан, бош агрономи Тен Николай ўртоқлар). Бу қолхоз 725 тонна ўрнига 755 тонна пахта топириб йиллик планни 104,14 процента етказган.

Оққўрғон районидagi «Зера коммунизм» қолхозининг Ортиққўжаев ўртоқлар бошлиқ қилган бригадалар ана шулар жумласидир.

Лубкорлар далаларида қолган ҳосилни чамалаб қўриб, яна давлат қўшиқча 10 минг тонна қолхозчи сотишга оҳд қилдилар. (ЎзТАП).

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — бир қунда, учинчи стун — мавсум бошидан бери, тўртинчи стун — бир қунда машинада терилган, бешинчи стун — мавсум бошидан буюв машинада терилган,	Оққўрғон	Янгийўл	Ўрта Чирчиқ	Юқори Чирчиқ	Орқоникиде	Бўқа	Бекобод	Область бўйича
0,44	68,53	0,12	61,41	0,68	65,75	0,35	39,62	
0,28	54,38	0,24	38,94	0,57	50,52	0,46	52,50	
1,01	50,13	2,00	40,00	0,08	42,35	0,05	27,47	
0,37	41,89	0,19	18,11	0,39	54,82	0,19	40,08	

тонна учун

ЛУБКОРЛАРИМИЗНИНГ КАТТА ЮТУҒИ

Область лубкорлари давлатга қўшимча қаноп поёси сотиш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар. Улар қаноп поёсини қайта ишлайдиган заводларга 300 минг тонна сифатли қаноп поёси етказиб бердилар. Бу йилги пландаги 18 минг тонна, бош йиллик планда мулккаланган 10 минг тоннадан зиёроқ кўпдир.

Областимиз ҳужаликлари мамлакатимизда етиштирилган қаноп поёсининг деярлик 90 процентдан кўпрогини беради. Улар бу йилги

шароитда ўртача ҳар гектар ердан пайдагидан 12 центнердан кўпроқ маҳсулот тайёрлаб, гектар бошга олинадиган ҳосилни 145 центнерга етказдилар. Айрим бригадалар эса 250 центнергача етказиб қаноп поёси ўриб олдилар. Юқори Чирчиқ районидagi «Ўзбекистон» қолхозининг Бердиев, «Политотдел» қолхозининг Тен,

